

КАРЛ ГУСТАВ ЮНГНИНГ ИНСОН РУҲИЙ БОРЛИҒИ КОНЦЕПЦИЯСИ

Гулноз Мирахраровна Рузматова

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

ruzmatovagulnoz1968@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Инсоният томонидан ўрганилган ва ўрганилаётган барча тадқиқотлар марказида инсон ҳамда унинг моҳияти мазмунини англаш масаласи ётади. Инсон муаммоси азалдан фалсафанинг бош мавзуларидан бири бўлиб келган. Бу ҳолат ижтимоий-гуманитар ва табиий-илмий соқалардаги ютуқларни ўзида мужассамлаштирган комплекс ёндашувни тақозо этади. Қолаверса, инсон тафаккури, ҳаёти мазмуни учун кескин кураш кетаётган бугунги глобаллашув жараёнида инсон масалаларини таҳлил этиш долзарб аҳамият касб этади.

Калит сўзлар: Инсон руҳияти, архетиплар, онгсизлик, индивидуал ва жамоавий онгсизлик, анима, анимус, персона, ўзлик, таҳлилий руҳиятшунослик, қалб йиғиндиси, установкалар, комплекслар.

CARL GUSTAV JUNG'S CONCEPT OF HUMAN SPIRITUAL EXISTENCE

Gulnoz Mirakhrarovna Ruzmatova

National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek

ruzmatovagulnoz1968@gmail.com

ABSTRACT

At the heart of all research that has been and is being studied by humanity is the question of understanding man and his essence. The human problem has long been one of the main themes of philosophy. This situation requires a comprehensive approach that combines achievements in the socio-humanitarian and natural sciences. In addition, the analysis of human issues is of great importance in today's globalization, where the human mind is engaged in a fierce struggle for the meaning of life.

Keywords: Human psyche, archetypes, unconsciousness, individual and collective unconsciousness, anima, animus, persona, identity, analytical psychology, sum of souls, installations, complexes.

КИРИШ

XIX аср охири XX аср бошларида Европада ноклассик фан тараққиётининг улкан ютуқлари инсоннинг ўз моҳиятидан бир мунча узоқлашишига сабаб бўлиб, фалсафада “ҳаёт фалсафаси”, “экзистенциализм”, “феноменология” каби янги назарияларнинг пайдо бўлишига замин яратди. Зигмунд Фрейд томонидан асос солинган руҳий таҳлил мактаби эса, инсон психикаси ва ундаги турли ҳолатларни ўрганди. Фрейднинг шогирди Карл Густав Юнг ижодида инсон борлигининг мазмуни психоаналитика ва фалсафий қарашлар уйғунлиги асосида тушунтирилади. Таъкидлаш лозимки, Юнг ижодини жуда серқирра, чуқур фундаментал билим ва концептуал назария сифатида баҳолаш ўринли. Бирок, мустақиллик йилларида Юнг меросининг инсон борлигига ҳақидаги қарашлари алоҳида илмий тадқиқот сифатида фалсафий-илмий жиҳатдан ўрганилмаганлиги таъкидлаш лозим. Шунингдек, глобаллашув даврида ёш авлодни тарбиялашда аждодларимиз маънавий маросининг ўрни бекиёсдир. Президент Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек: “Бундай кескин ва таҳликали шароитда биз ота-оналар, устоз-мураббийлар, жамоатчилик, маҳалла–қўй бу масалада хушёрлик ва огоҳликни янада оширишимиз керак. Болаларимизни бировларнинг қўлига бериб қўймасдан, уларни ўзимиз тарбиялашимиз лозим, бу вазифаларни амалга оширишда биз асрлар мобайнида шаклланган миллий анъаналаримизга, аждодларимизнинг бой меросига таянамиз” [1,]. Дарҳақиқат, буюк мутафаккирларнинг фалсафий қарашларини ўрганиш доимо долзарб масала бўлиб қолади.

Инсон – ҳаётнинг энг мавҳум бироқ, энг долзарб феноменидир. Шундай экан, ҳар қандай даврда, ҳам қандай маконда у ҳақидаги назарий-концептуал қарашларни таҳлил қилиш муҳимдир. Инсоннинг руҳий ҳолати, ундаги ўзгаришлар, руҳий зўриқишларнинг тарих (миф), ижтимоий-маънавий ҳаёт билан боғлиқлиги муаммоларини ҳанузгача Карл Густав Юнг каби кенг ва чуқур ўрганмаган. Айниқса, олим меросининг ўзбек тилидаги намуналари етарли даражада эмаслиги, бу борада изланишлар олиб бориш зарурлигини тақозо этади. Глобаллашув даврида инсон қабул қилиши керак бўлган ахборот қўламининг миқёссиз даражада ортиб бориши ҳар бир киши руҳиятида муайян зўриқишларни пайдо бўлиши сабаб бўлмоқда. Юнг меросидаги онглилик ва онгсизлик тавсифи ёки руҳий касалликларнинг келиб чиқишига дунёқараш миқёсларларининг таъсири, мифда инсон борлигининг туб асосларининг акс эттирилганлиги кабиларни ўрганиш глобал ўзгаришлар даврида инсоннинг ўз моҳиятини англаб олишига самарали, тўғри йўл кўрсата оладиган билим ва кўникма бера олади, деб ҳисоблаймиз.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Инсон борлиги, моҳияти ҳақидаги қарашлар ранг-баранг. Хусусан, инсон маънавиятига оид сермаъно фикрлари ҳар бир давр учун янги аҳамият касб этади. Қадимги давр Шарқ ва Ғарб фалсафасида инсон муаммоси азалдан ўрганиб келинган. Ф.Абиджанова, Г.Рузматованинг [2, 3] илмий тадқиқот ишларида Карл Густав Юнг ва унинг фалсафий мероси инсон руҳияти, қалби, эътиқоди, ахлоқий-эстетик нуқтаи назаридан ўрганилган.

Россиялик тадқиқотчилардан Н.В.Антонова, О.А.Бойко, Н.В.Ветрова, Е.Г.Грошева, И.Я.Ефимова, В.М.Исмиева, И.А.Петрикеева, Н.Э.Седаков, Н.В.Фишбейн, Е.А.Фоминих номзодлик ва докторлик диссертацияларида Юнг таълимотининг фалсафий асослари тадқиқ этилган [4-13]. Шунингдек, айрим мутахассисларнинг илмий мақолаларида ҳам Карл Густав Юнг қарашларининг фалсафий таҳлил этилганини кузатишимиз мумкин. Юқорида қайд этилган тадқиқотларда инсон борлиги ҳақидаги қарашлар ўрганилиб, улар турли контекстларда таҳлил қилинган. Бироқ, Юнг меросида инсон борлиги муаммоси алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Карл Густав Юнг фалсафий меросида инсон борлиги муаммосини ўрганиш, аввало, ҳар бир тадқиқотчига у ҳоҳ европалик бўладими, ҳоҳ осийлик бўладими, инсонийлик асосида руҳ туришини яна бир қарра исботлайди. Юнгнинг қарашларида фан (яъни илмийлик, хусусан психология) ва маънавийлик (қалб, маданият ва ҳоказо) тарозининг икки палласига тенг миқдорда қўйилади. Бу ҳолат XX аср бошида Европа маданиятидаги инқилобий характерга эга бўлган янги таълимот эди. Юнг меросини ушбу контекстда ўрганиш тадқиқотчиларга олам ва одам моҳияти бир илдизга бориб тақалишини кўрсатиб беради.

Тадқиқот олиб бориш давомида тизимлилик, назарий-дедуктив хулоса чиқариш, анализ ва синтез, тарихийлик ва мантиқийлик, қиёсий таҳлил каби илмий-фалсафий тамойиллардан фойдаланилди.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Инсон – нафақат индивидуал ва такрорланмас ҳодиса, балки, шу билан бирга жамиятнинг бир бўлаги ҳамдир. Шунга кўра, шахс руҳияти автоном ва буткул индивидуал феномен бўлгани ҳолда, жамоавийлик ҳолатларини ҳам ўзида намоён қилади. Агарда, маълум бир ижтимоий функция ва инстинктлар жамиятнинг алоҳида аъзолари истакларига зид экан, инсон руҳияти худди шу тарзда, жамоавийлик табиатининг кучи билан индивидуал эҳтиёжларга зид бўлган муайян вазифа ва тенденцияларни ишлаб чиқади. Карл Густав Юнг бу ҳолатни инсоннинг туғма фаолияти деб изоҳлайди, яъни ҳар бир шахс юксак

дифференциаллашган мия билан туғилади, шу боис у на онтогенетик етукликка ва на илмий изланишга алоқаси бўлмаган кенг диапазонли рухий фаолият билан таъминланади [14, 47]. Лекин таъминланишнинг даражаси шундайки, унда турли одамларнинг мияси бир хил дифференциаллашган – бундай рухий фаолият жамоавий ва универсаллик имкониятлари билан таъминланган. Бунга турли ирқ ва турли миллатга тегишли халқлар гарчи улар орасидаги масофанинг узоқлигига қарамай, автохрон (жамоавий онгланмаганлик билан боғлиқ омиллар) миф ва асотир қаҳрамонлари бир-бирига жуда ўхшаш экани мисол бўла олади.

Инсон миясидаги ўхшашликнинг бу универсал ҳолати бир рухий функцияланишнинг турли хил тарзда универсал имкониятларга эга бўлишига олиб келади. Айнан шу функцияланишни Юнг жамоавий руҳ деб атайти. Олим қалбни уч даражага ажратади: “1) онг; 2) шахсий (индивидуал) онгланмаганлик; 3) жамоавий онгланмаганлик. Индивидуал онгланмаганлик биринчидан, ўз кучини йўқотган, унутилган ёки онгдан узоқлашган (сиқиб чиқарилган) мазмундан, иккинчидан, онгга етиб бориш учун етарли кучга эга бўлмаган, бироқ қандайдир йўл билан қалбга кириб боришга муваффақ бўлган мазмундан таркиб топган. Жамоавий онгланмаганлик эса, ифодалаш имкониятининг наслий мерос сифатида индивидуал эмас, балки барча одамлар, ҳатто, барча жонзотлар учун умумийликка эгадир ва у индивидуал қалбнинг асл моҳиятини ташкил қилади” [15, 48].

Ушбу назария инсонда жамоавий руҳга бўлган эҳтиёжнинг мавжудлигини асослайди. Инсоннинг “мен”ини тасдиқлайдиган бу эҳтиёж уни турли йўналишда ҳаракат қилишини таъминлайди: инсонпарварлик орқали маърифатга, улуғворликка, ёки шухратпарастлик билан тубанликка интилишга ундайти.

Маълумки, Юнг Фрейднинг инсон ва жамият ўртасидаги муносабатлари ҳақидаги қарашларини қаттиқ танқид қилиб ва ўзининг чуқур психологиясига яъни аналитик психологияга асос солган эди. Юнг ҳам Фрейд каби инсон ҳаракатлари асосини онгсизликлик соҳасидан қидирган эди. Лекин ундаги онгсизлик индивидуал эмас, балки жамоавий (оммавий) онгсизликдир. Индивидуал онгсизлик аввалроқ онгли бўлган, кейин унутилгани ёки бостириб қўйилгани учун ўз онглилигини йўқотган шахсий тажрибалардан ташкил топади. *Жамоавий онгсизлик* эса – бу барча ирқ ва халқларга тегишли умуминсоний тажрибаларнинг ўзига хос тўпламидир. У инсониятнинг ўтмиши, шунингдек, инсонга қадар бўлган ҳайвоний ўтмишига тегишли ҳолатларнинг инсон хотирасидаги изларидир. Шу маънода, Юнгнинг фикрига кўра, жамоавий

онгсизлик ғайритабий ва ғайришахсийдир [16, 71]. Бизнингча, “жамоавий онгсизлик” ҳақидаги бу нуқтаи назар табиатшунослик фанларида шаклланган “ноосфера” ҳақидаги концепция билан уйғунга ўхшайди.

Юнг концепциясида жамоавий онгсизлик соҳасининг мазмунини архетиплар ташкил этади. Архетиплар, унинг талқинида, бу “сон-саноксиз қатор ўтмиш авлодлар бошдан кечирган жуда катта тажрибаларнинг ҳосиласи”, “бир хил типдаги кечинмаларнинг руҳий чўкиндиси”. Индивидуал онгсизликдан фарқли ўлароқ, архетиплар биологик эмас, балки символик (мажозий) табиатга эга. Шунинг билан бирга, улар ҳар бир инсон психикасида ҳам мавжуд ва унинг тушларида, транс (ҳолати)да ёки мистик ёришувда инсон онгига очилишлари (унга киришлари) мумкин. Демак, интуиция шундай “очилиш”лар натижаси деб қаралиши мумкин.

Юнгнинг фикрича, архетиплар мазмуни халқ эпосларида, мифларда, эртакларда ва халқ ижодининг бошқа шаклларида муҳрланиб қолган. Дин эса, унинг нуқтаи назарига кўра, архетиплар намоён бўлишининг энг муҳим шаклларидан биридир. Дин, шу маънода, Юнгнинг тушунтиришича, ўз мазмунига кўра, инсониятнинг бирламчи тажрибасини - унинг илоҳиёт билан учрашув тажрибасини акс эттирадиган шундай очилишлардан ташкил толувчи манбага таянади. Илоҳийлик инсон психикасига, унинг иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолда, кўриниб ё кўринмай таъсир этиб, унда махсус ўзгариш содир этадиган кучдир. “Динни илоҳий тажриба натижасида киши онгида содир бўладиган ўзгаришни ифодаловчи тушунча дейиш мумкин” [17, 87], - дейди К.Г.Юнг.

Динни тушунишда Фрейд ва Юнг қарашларида қарама-қарши тамойиллар мавжуд. Фрейд инсон психикасини ўрганиш асосида диннинг келиб чиқиши манбаини шу дунёда деб билган ва атеистик ғояларни олдинга сурган бўлса, унинг шогирди Юнг, аксинча, айти шу методларни қўллаб унинг манбаини ғайритабий кучда кўради. Швейцариялик олим инсон жони (қалби) табиатан диний экани ҳақидаги ғояни далиллашни ўз вазифаси деб билади. Унинг фикрига кўра, инсон қалби илоҳиёт оламини кўра оладиган дарчадир. Биз ҳам унинг фикрини қўллаб-қувватлаймиз.

“Жамоавий онгланмаганлик ҳар бир индивидуум онг тузилмасида вужудга келадиган бутун одамзот руҳий тараққиётининг меросини ўзида жам қилади” [15, 56], унинг таркибини архетиплар ва инстиктлар ташкил қилади. Зеро, инстиктлар моҳиятан жамоавийлик хусусиятига эга, яъни индивидуаллик билан ҳеч қандай алоқаси йўқ, доимий равишда, бир маромда такрорланиб турадиган универсал феноменлардир.

Шу ўринда “архетип” тушунчасига таъриф бериб ўтсак: архетиплар ҳам инстинктларга ўхшаш, жамоавий феноменлар сифатида намоён бўлади. Юнг таълимотида қўлланилган “архетип” тушунчаси фалсафа учун янги эмас эди, у антик даврнинг энг кейинги босқичида кенг ишлатилиб келган тушунчалардан эканини эслатиб ўтишимиз керак. “Архетип” юнонча сўз бўлиб, у икки сўзнинг – “архе” (асос, бошланиш) ва “топос” (образ) сўзларининг бирикишидан келиб чиққан. Платон таълимотида бу тушунча дунёдаги барча моддий нарсалар, умуман, бутун олам келиб чиқишидан олдин уларнинг рухий оламда мавжуд бўлган дастлабки ғоявий образлари (прообразлари) маъносини англатар эди [20]. Шу маънода К.Юнгнинг асосий хизмати архетиплар мавжудлигининг кашф этилганида ёки ушбу тушунчанинг фалсафа ва фанга киритганида деб эмас, балки, асосан, XX аср фалсафаси ва фанини кўпдан буён унутилган, назардан соқит қилинган теран метафизик ғояларни қайта тиклаш йўлидаги салмоқли уришинида деб баҳолаш керак деб ўйлаймиз.

Карл Густав Юнг архетипларни асосан қуйидаги номлар билан фарқлайди: “Персона”, “Соё” (қўланка), Трикстер, Мандала (“ўзлик”), Анима ва Анимус. Буларнинг барчаси символик маънога эга. Хусусан, “Персона” – индивиднинг “сохта мен”и ва “асл мен”и яъни инсоннинг ўзи ва ҳақидаги бўрттирилган ва ҳақиқий ҳолатига (ҳақиқий башарасига) оид фикрлари мажмуи. “Персона” – ўзига хос ниқоб бўлиб, индивид ундан жамият талабига мослашиш учун фойдаланади. “Персона” индивид ва жамият ўртасига келишув, индивидуал ва ижтимоий онг орасидаги мураккаб, тизимлар муносабатидир [3, 57]. “Соё” (ёки қўланка) – инсон руҳиятидаги энг тубан жамиятга мутлақо тўғри келмайдиган хусусиятлар. К.Г.Юнг, мен соё деганда индивиднинг фақат салбий одатларини, иллатларини тушунаман, дейди. “Соё” қалбдаги бузғунчи, агрессив тенденциялар тимсолидир. Юнг уларни “Трикстер” деб атайди. Трикстер – одамлар табиатидаги энг тубан иллатлар мажмуи, жамоавий онгланмаганликнинг тубан руҳ образи. Иллатлар жамият талабларига зид бўлганлиги учун ҳам ҳар доим очиқ кўринмайди. Чунки у “Персона” ниқобига яширинган бўлади. Одамларда тубан иллатларнинг ошиб бориши ва унинг жамиятдан, ижтимоий онгдан чегарада зўрлик билан “босиб” турилиши оқибатида турли хил невроз касалликлари келиб чиқади. Қалбдаги ички майллар билан ташқи оламдаги талабларнинг бир бирига зид келаверидан рухий инқироз пайдо бўлади ва оқибатда биз оқил деб ўйлаган одамлар телбага айланади. Юнг бу ҳолатга имкон қадар тушмаслик керак деган фикрни илгари суради. Бирок, юқорида айтиб ўтганимиздек, архетиплар жамоавий онгсизликнинг бир бўлаги сифатида одамларни доим “таъқиб” қилиб юради. Лекин бу тубан иллатлардан

қочиб кутулиб бўлмас эканда, дегани эмас. Бу учун одамга “Мандала” яъни ўзликни англаш “ёрдам”га келади. “Мандала” – санскритча сўз бўлиб илоҳий айлана, доира деган маънони билдиради. Юнг мандалани руҳий яхлитлик рамзи, руҳ мақсади, Ўзлик маъносида қўллайди. Мандала нафақат ҳинд ёки хитой фалсафасида, балки ўрта асрларда христиан илоҳиётшунослигида ҳам мавжуд бўлган. Юнг фикрича, руҳият тизимида “мен” индивид онгининг субъекти бўлса, “Ўзлик” (яъни Мандала) руҳиятнинг яхлит субъектидир [3, 57]. “Мандала” “Соя” билан ҳам, “Персона” билан ҳам айнан мос келмайдиган индивид руҳининг маркази, инсон мувозанатининг тарозисидир. У онглилик ва онгсизликни қамраб олиш хусусиятига эга. Шунинг учун у инсоннинг бутун ҳаётини фаолиятини белгилаб беради ва руҳият бўлақларини яхлит ҳолатга келтиришга йўналтиради.

Архетипларнинг навбатдагиси “Анима” ва “Анимус”дир. Бу – онгланмаган аёллик ва эркаклик ибтидоларининг Юнг томонидан шахслантирилиши. Бу ҳар қандай эркакда аёллик генлари, ҳар қандай аёлда эркаклик генларининг мавжуд бўлиши ва ғайриихтиёрий тарзда (онгланмаганлик даражасида) ҳаётда намоён бўлади (айниқса, турмуш қуришда, оилавий ҳаётда).

Юнг фикрича, жамоавий онгсизлик инстинктлар ва уларнинг назоратчилари (корреляторлари) бўлмиш архетиплар миқдоридан таркиб топган. Ҳар бир инсон инстинктларга эга бўлиши билан бирга, у архетипик “образлар” заҳирасига ҳам эгалик қилади. Бунга руҳий ҳасталикда, айнақса шизофренияда жамоавий онгсизликнинг тўсатдан ёпирилиб келишини мисол қилиб олиш мумкин ёки мифологик образлар архаик импульслар билан уйғунлашган ҳолда намоён бўлади. Импульсни Юнг қуйидаги маънода қўллайди (Фрейдда “либидо”, қувват, энергия, майл маъноларида ҳам келади) – инсон қалбидаги жараёнлар фаоллигини белгилайдиган руҳий қувват. Импульс ҳақидаги сўз кетганда Юнг қўллаган яна бир иборага ҳам тўхталиб ўтиш лозим. Бу – комплекслардир. Комплекслар – индивиднинг муайян тизим шаклида вужудга келган онгсиз (онгланмаган) руҳий қувватидир. Улар инсонга доимий таъсир кўрсатиб туради. Юнг фикрича, онгсизлик тубида комплекслар ҳаракатга келишга тайёр туради. Улар ўтмишнинг индивидуал хотираларидир (бу Фрейднинг “онг ости” соҳасига ўхшаб кетади).

Жамоавий онгсизлик индивидуал онгсизликдан тубдан фарқ қилиб, индивидуал онглилик каби шахсий руҳия тажриба орқали турғун, шахсиятнинг хусусий руҳий таркибига тегишли бўлмаган қалб (руҳ)нинг бир парчасидир. Шахсий онгсизлик моҳиятан бир вақтлар онгда мавжуд бўлиб, кейинчалик унутиш натижасида сиқиб чиқриш туфайли онгда ғойиб бўлган мазмундан таркиб топса, жамоавий онгсизликнинг мазмуни ҳеч қачон онгда мавжуд

бўлмаган ва шунинг баробарида индивидуаллик орқали эришилмаган, бироқ ирсиятга боғлиқ моҳиятдир. Бошқача қилиб айтганда, индивидуал онгсизлик инсоннинг шахсий руҳий ривожидан, жамоавий онгсизлик эса инсониятнинг умумий руҳий тараққиётидан таркиб топади. Демак, ҳар бир шахсда умумийликдан, яъни жамоавий онгсизликдан муайян бир парча мавжуддир.

Юнг жамоавий онгсизлик ҳақида фикр юритар экан, Шарқ тафаккурига таянади: ҳар бир инсон қалбида бир умумийликдан (Ҳинд ва Хитой фалсафаси), мутлоқ баркамол руҳдан (Платон ва Гегел фалсафаси) парча мавжуддир деган хулосага келади. Психианалитиканинг фалсафий асосини Шарқ дунёқараши ташкил қилади. Биз, Юнг жамоавий онгсизлик тушунчасини талқин этишда ҳам мутлақо янгилик яратди, деб айта олмаймиз, чунки унинг фикрлари мазмунан Платоннинг “туғма ғоялар” ҳақидаги таълимоти билан деярли бир хил [20]. Аристотел онтологиясида эса, бу унинг “борликни каузал таҳлили”даги “шакл” категорияси мазмунига мос келади. Лекин, Платон, Аристотель, неоплатончилар ҳамда уларнинг Марказий Осиёдаги издошлари бўлган Форобий, Ибн Сино таълимотларида, шунингдек, сўфизмда ҳам бу масала анча чуқур ёритилган.

Буни биз юнон метафизикасидаги архетиплар тушунчаси талқинидан, яъни борликнинг нарсалардан олдин мавжуд бўлган ва шу нарсаларнинг шаклланишида “лойиха” вазифасини ўтайдиган ғоялар мавжудлиги ва улар муайян иерархия ташкил этиши ҳақидаги қарашлар мисолида кўришимиз мумкин. Бу қарашлар айниқса эманация таълимотида кенг акс этган. Бу таълимотга кўра, моддий олами келиб чиққунига қадар ғоялар босқичма-босқич (моддийлашув сари) тушиб (чўкиб) боради. Ана шу босқичлар Аристотель, Форобий ва бошқалар таълимотларида, шунингдек, тасаввуф фалсафасида “Осмон ақллари” таснифига мувофиқ келади. Метафизик таълимотларда бу иерархия Энг Олий онг ёки Ҳикматдан (Худодан) бошланади. Тасаввуф таълимотида Ҳақнинг манзили Аршга мувофиқ келади [18].

Архетипларнинг ҳар икки дунёни ўзаро боғловчи механизм сифатидаги роли эса номоддий моҳиятдан моддий нарсаларни келтириб чиқарувчи (шакллантирувчи) фаолиятида кўринади. Бу фаолият тасаввуф фалсафасида, масалан, Азизиддин Насафийнинг “Зубдат ул-хақойиқ” номли рисолида куйидаги сатрларда жуда яхши ёритилгани ҳақида илгари ҳам айтилган эди. “...Тангри таоло оламда бирор нарса яратишни хоҳласа, - дейди у, - унинг суратини (нақшини) аввал Арш устига жойлаштиради, кейин Аршдан Курсига ўтказди. Сўнг собит юлдузларнинг лавҳи маҳфузига олиб ўтади, ундан етти осмонга олиб тушади ва ниҳоят сурат юлдузлар нури билан кўшилиб, куйи оламга тушади. Куйи оламнинг подшоҳи булган... (Ақли) кулл ...бу ғайбий

йўловчини қарши олиб, унга муносиб...тўрт унсурдан от (тана) тухфа этади, токи ғайбий йўловчи ушбу отга миниб шаҳодат оламида (моддий дунёда) мавжудлик топсин... ”.

Энди мазкур ғояларни Платоннинг “тана билан руҳнинг узвийлиги ҳамда онтологик жиҳатдан ғоянинг (руҳиятнинг) бирламчилиги” ҳақидаги онтологик ғоялари билан боғлаб тушунадиган бўлсак, киши ўз нафсини тийиши орқали эришиладиган руҳий мусаффолик ва покланган инсонларнинг дуолари хаста инсонларни соғломлашувининг механизми қандай эканини тасаввур этиш имконига эга бўламиз. Бунинг учун бу дунёдаги софланиш орқали кашф этиладиган руҳият ва у дунёдаги мусаффо бирлик аслида бир бутун, ягона, энг номоддий, соф, соғлом куч-қувватнинг манбаи эканини билиш мақсадга мувофиқдир. Айни шу кучга таяниш чин табобатнинг ҳам дастуруламали бўла олади. Бизнинг улуғ бобокалонларимиз, буюк авлиё аждодларимиз бу сирни яхши билганлар.

Онгнинг «дискретлиги – узлуксизлиги» фундаментал муаммосини ўрганиш учун яхлит ёндашув талаб этилади. Бундай яхлит ёндашувни К.Юнгнинг «чуқур (теран, таҳлилий) психологияси»да кузатиш мумкин. Унинг фикрича, «ўта шахсий» онгсизлик мавжудлиги ҳақидаги фараз фақат назарий тафаккур маҳсули эмас. Унга клиник амалиёт ҳам асос бўлган. Хусусан, у мазкур амалиёт жараёнида пациентлар ўз тушларида реал ҳаётда ўзлари ҳеч қачон дуч келмаган, кўп жиҳатдан инсон маданияти тадқиқотчиларига маълум бўлган мифологик сюжетларни эслатадиган манзаралар ва образларни кўришларини аниқлаган. Ер куррасининг турли бурчакларидаги турли халқларда пациентлар шифокорларга ёрдам сўраб мурожаат этар эканлар, бир-бири билан кўп жиҳатдан мос келувчи тушларни тавсифлашлари аён бўлган. Масалан, саводсиз, бинобарин, Европа маданияти билан таниш бўлмаган ҳабашнинг тушига юнон мифологияси образлари кириши, Шарқ мистикларининг ғоялари билан таниш бўлмаган европаликнинг тушларида эса қадимги ҳинд ва қадимги хитой трактатларида баён этилган манзаралар ёки образлар пайдо бўлиши аниқланган.

Юнг қадимги Ғарб ва Шарқ маданиятлари соҳасида кенг билимларга эга эди. Шу туфайли ҳам у турли пациентларнинг тушларидаги манзаралар ва қадимги санъат ёдгорликлари ўртасидаги алоқаларни осонгина аниқлаган. Шунга ўхшаш боғланишни у тушлардагина эмас, балки руҳий касалларнинг фантазиялари ва галлюцинацияларида ҳам кашф қилган. Шу тариқа у жоннинг жамоавий онгсизлик образлари жамланган «орқа плани» ёки «тунги ярми» ҳақидаги қоидани таърифлаган. «Жоннинг «тунги ярми»дан хабарлар бизга

аҳён-аҳёндагина келади, зеро икки дунёни боғловчи кўприклар бузиб ташланган» [19, 32].

Жамоа онгсизлигининг бундай архетиплари дунё эволюцияси тажрибасини ўзида тўла мужассамлаштиради. Инсон руҳияти ранг-баранг «архетиплар»ни ўз ичига олади, бироқ уларнинг барчаси, Карл Юнг фикрига кўра, архаик хусусият касб этади ва фақат интуиция ёрдамида идрок этиш мумкин бўлган, инсон фантазиясининг онгсиз фаолияти натижасида турли рўёлар ва диний тасаввурлар кўринишида юзага чиқадиган образларнинг кантча «ноуменлари» ҳисобланади [18, 51].

«Архетиплар» ҳақидаги бу қоида ҳозирги замон одамининг онгига кирувчи ва унинг руҳиятида инқилобга замин яратувчи мистицизм феноменологиясини тушуниш учун ўзига хос «калит» бўлиб хизмат қилади. Юнгнинг ўзи тушларни уларнинг прогностик фаолияти нуқтаи назаридан баҳолайди. Унинг назариясида тушлар келажакни башорат қилиш воситаси сифатида намоён бўлади. Юнг талқинида тушлар ривоят, насихат, йўл-йўриқ аҳамиятини касб этади. Пировард натижада туш телепатик хоссалар касб этади. Мазкур талқинга кўра, инсон иккита руҳга эга бўлади – улардан бири индивиднинг ҳозирги ҳолатини акс эттиради, иккинчиси эса инсоннинг миллион йиллар муқаддам содир бўлган ўтмишини ифодалайди.

Юнг илмий меросининг инсон борлиғи билан боғлиқ бўлган яна бир муҳим қарашлари – психологик типлар, яъни *интроверт* ва *экстрроверт* одамлар талқинида акс этган. Бу икки психологик тип бир-бирига шу қадар зидки, ҳатто махсус маълумотга эга бўлмаган одамлар ҳам улар орасидаги фарқни кўриши мумкин: ҳаётда камгап, одамови ва уятчан инсонлар билан сертакаллуф, сўзамол ва шинаванда инсонлар доимий учраб туради. Кўпчилик бў ҳолатни индивидуал хусусият билан боғлайди. Бироқ инсон табиатининг асоси борасида билимга эга бўлган шахс бу ҳолат индивидуал эмас, балки кенгроқ камровга эга эканлигини аниқлай олади. Юнг бу фарқларнинг, яъни интроверсия ва экстрроверсиянинг ҳар бири фундаментал асосга эга эканлигини таъкидлайди. Ҳар икки турдаги одамлар нафақат илмий салоҳиятга эга бўлган инсонлар ичида, балки оддий одамлар орасида ҳам кузатилиши мумкин. Бунда жинс, яъни аёл ёки эркаклик дея қандай роль ўйнамайди. Бироқ, шу ҳолатда Юнг типлар қарама-қаршилигини биологик асосга эга бўлган зиддият деб ҳисоблайди. Биологик асосга эга дейиш – бу кўпроқ инсон зоҳирий оламини ташқи оламга мослашуви муносабати тушунаилади, зеро, субъект ва объект ўртасидаги ҳар қандай муносабат ўзаро таъсир орқали иккаласини ҳам шаклан ўзгаришига олиб келади. Бу тарздаги ўзгаришлар асосини мослашув (адаптация) ташкил қилади. Табиатда тирик

организмнинг узлуксиз мавжудлигини таъминлаб турувчи икки хил усул бор. Бу ҳолатни файласуф олима Феруза Абиджанова шундай изоҳлайди: “... Уларнинг бири – нисбатан кам ҳимояланганлиги билан юксак унумдорликка эга, шу туфайли ҳар бир мавжудотнинг ҳаётий давомийлигининг алоҳидалигини таъминлайди, иккинчиси эса, унумдорлик жиҳатидан сушт бўлса-да, унинг ўз-ўзини ҳимоялаш учун турли хил усуллар билан қуролланиши билан боғлиқ. Юнг табиатдаги ана шу тирик жонзотларнинг яшовчанлигини ана шу икки хил руҳий мослашувчанлик типларига ўхшатади. Инсонлар ўртасидаги муносабатлар, муҳитга мослашув табиатга монандлик хусусиятларига эга. Худди шундай, экстраверт ўзини ўзи ҳамма ёрда “исроф” қилиш билан шуғулланаётган бир пайтда. Интроверт зоҳирий талаблардан қочган ҳолда, ўз қувватини объектдан беркитиб тежаш эвазига шахсий ҳолатини мустаҳкамлашга муваффақ бўлади [2, 18]. Биологик мавжудликнинг бу икки мослашуви турли йўллар билан бўлса-да, ривожланишга олиб келади. Бир тип муносабатларининг серқирралиги орқали (яъни имкониятларини намоён қилиш билан), бошқаси эса, уларни жамлаш ҳисобига мақсадига эришади. Бири ҳаётий тажриба асосида муайян ҳолатда бошқа йўл йўқлигини тан олиб, шарт-шароитларга бўйсунушга ҳаракат қилади. Бошқаси аксинча, муайян ҳодиса минг мартаба содир бўлган ва бир хил қоибадларга олиб келишини билса-да, минг биринчи марта у билан бундай ҳолат рўй бермаслигига ишониб, ўз билганидан қолмайди. Яна ҳам аниқроқ айтадиган бўлсак, бири ташқи оламдан келаётган ҳолатларга қараб иш тутса, иккинчиси ўз ички дунёсига, қалбига қарайди, ўзи ва ташқи олам ўртасига чегара қўйиб қўяди.

Бир сўз билан айтганда, инсоннинг фикри, ҳиссиёти, фаолияти ва деярли бутун кечириётган умри бевосита объектив шарт-шароитларга тўғридан-тўғри боғлиқ бўлса, у экстраверт шахсдир. Экстраверт одам нарса-ҳодисаларни шахсий позициясидан туриб эмас, балки, жамият нуқтаи-назаридан баҳолайди, танлайди. Албатта, унда субъектив қарашлар ҳам мавжуд, бироқ улар ташқи талабга нисбатан анча заиф бўлади. Шу сабабли, у ўзининг ботиний ўзлиги билан тўқнаш келмайди, фақат ташқи олам билан машғул бўлади. Экстраверт фаолиятнинг ижтимоий-ахлоқий қонун-қоидалари жамиятдаги муайян талабларга ва шунга мувофиқ умумэътироф этилган ахлоқий қарашларга мос келади. Жамият ва умумахлоқий дунёқараш ҳамда қонун-қоидалар ўзгарганда, экстраверт шахс ҳам ўз йўналишини шунга мослаб ўзгартиради. Бироқ, бутунлай объектив шарт-шароитларга “ғарқ” бўлган экстраверт шахс замон ва шарт-шароит ўзгарганда, вазиятга қараб мослашишга улгирмай қолиши ҳам мумкин. Натижада, замон ва жамият уни таҳқирлашга ҳаракат қилади. Чунки, у шу даражада объект билан айнанлашиб, уйғунлашиб кетган бўладики, унинг учун объект деярли мутлоқ

ҳақиқат бўлиб қолади ва у объект қулига айланади. Масалан, собиқ совет даври мафкураси ва сиёсатини қўллаб-қувватлаб, унинг ташқи объектив ҳолатларига тўлиқ мослашиб, коммунизм ва социализм ғояларини мутлақ ҳақиқат деб яшаган одамни (яъни бундан бошқача яшаш мумкин эмасдек) объект билан айнанлашиб кетган экстраверт дейиш мумкин. Бу типдаги одамлар кейинги ўзгаришларни қабул қилишга улғирмай қолиши мумкин.

Экстраверт шахс бирор-бир машғулоти танлар экан, қайси бирига макон ва замон яхши имкониятлар яратиб берса, ўшанисига майл билдиради ёки шундай нарса таклиф этадики, у жамият талабига жавоб беради, жамият ундан кутаётган янгилик бўлиши билан бирга, жамиятга тўғри келмайдиган ҳолатларни истисно этади. У кўпроқ ўзининг эмас, балки бошқаларнинг фикри билан ҳисоблашади. Бу албатта, унинг учун яхши, лекин айни пайтда экстраверт одам ўз менини назарга илмгани оқибатида рад этилган мен онгланмаганлик доирасига ўтиб қолади (фрейдча онг остига ўтиб қолади). Экстраверт киши руҳида одамлар наздида ҳар томонлама баркамол бўлишга кучли интилиш пайдо бўлади. У қандай бўлмасин, жамият ҳурматини қозонишга ҳаракат қилади ва ўз обрўйига путур етказувчи ҳар қандай ҳаракатдан қочади.

Интроверт шахс, экстравертдан фарқли объектив эмас, балки субъектив омилларга таянади. Объект унингча, керакли даражада эътиборга лойиқ эмас. Аммо, объект шундай ҳодисаки, унинг таъсиридан четга қочиш мушкул. Инсон қанчалик ундан қочиб, эркинлик томон ҳаракат қилмасин, барибир объект ўзининг кучли таъсири билан индивиднинг онгига кириб боришга уринади. Объект шу даражада ўз ишига устаки, у субъектнинг нозик нуқталарини топа олади ва доимо индивиднинг менига тегиб, уни синдиришга ҳаракат қилади. Интроверт шахс эса, бундай зарбаларга эътибор бермасликка, объектга буйсунмасликка ҳаракат қилади. Экстравертдан фарқли интроверт ёлғизликка интилади, танҳо қолганда ўзини яхши ҳис қилади. У ҳеч қачон одамларга ёқишга, уларнинг кўнглини олишга ҳаракат қилмайди, агар шундай вазият бўлиб, у бунга ҳаракат қилган тақдирда ҳам, бу ҳаракат беўхшов чиқади ва акс таъсир қилади. Одамлар орасида у худбин ва ўта мағрур шахс сифатида таассурот қолдиради. Чунки, у агар танқидга киришса, аёвсиз танқид қилади, агар танқидга учраса, ўз айбини тан олмайди ва объектга нисбатан қўпол муомалада бўлади. Бироқ унга яқинлашиб, ички дунёсини таниб борганингиз сари унга бўлган муносабатингиз ўзгаради. Интроверт шахсини яқиндан билганлар уни юқори баҳолайди. Масалан, фалсафа ўқитувчиси ўз фанини жуда чуқур билиши, фаннинг ички моҳиятини бутун вужуди, ҳаёти-фаолияти билан ҳис қилиб яшаши ва ишлаши мумкин. Бироқ, институтда таълим беришнинг

замонавий расмий талаблари унинг ички эркинлигини намоён қилишга тўсқинлик қилиш мумкин. Масалан, “Борлиқ ва ривожланиш” фанидан дарс берувчи ўқитувчи “Табиат борлиғи” мавзусини талабаларга яхши тушунарли бўлиши учун Ботаника боғида табиат қўйнида эркин руҳда ўтди, дейлик. Бирок, у ташқи расмий талаблар борлигига эътибор бермади (машғулоти ўтиш учун факультет деканидан расман рухсатнома олмади). Табиат қўйнида ўтган маъруза талабаларнинг бутун умр ёдида қоладиган даражада мазмунли ўтди. Ўқитувчининг асосий мақсади ҳам шу эди. Бирок эртаси куни факультет деканати ўқитувчини хайфсан билан жазолади. Бундай вазиятда интровертликнинг ҳам, экстравертликнинг ҳам нисбати ошиб кетганини кўраемиз. Оқибатда меҳнатига, эзгу ниятига қарамасдан ўқитувчининг ҳаракати таҳқир қилинганини, деканатнинг (шу билан бирга таълим тизимининг) яна бир марта ўқитувчининг ихлосини қайтарганини кўришимиз мумкин. Хуллас, экстраверт шахс ташқи олам билан банд бўлса, интроверт шахс ҳаддан ташқари ботиний оламига эътибор қаратади.

Юнг «таҳлилий руҳияти»нинг яна бир катта қисмини «*комплекслар*» назарияси ташкил қилади, яъни муайян тизим шаклида вужудга келган шахснинг онгсиз руҳий кучларидир. Бу кучлар инсон ҳаёт фаолиятига доимий равишда таъсир қилиб туради. Онгсизлик тубида, Юнгнинг фикрига кўра, ҳар доим «*комплекслар*» тайёр бўлиб, улар ўтмишнинг шахсий хотираларидир. Уларга «*оилавий комплекслар*», «*хукмронлик комплекслари*», «*тўлиқ ва яхлит бўлмаганлик комплекси*» ва ҳоказолар киради. «*Комплекслар*» - бу ўзига хос «*руҳий девлардир*», онгсиз ҳаракатларнинг қутилмаган пайтда жунбишга келишидир, улар бир текисда кетаётган руҳий жараёнлар бузғунчисидир. Бошқарувга тобе бўлмаган бу кучлар онгсизликнинг инсон онгли руҳияти устидан хукмронлик қилишидан далолат беради.

«*Комплекслар*» таълимоти асосида Карл Юнг ва унинг сафдошлари онгсизликнинг ҳаётийлик тузилмаларини, онгли ва онгсиз руҳий жараёнларнинг мураккаб ўзаро муносабатларини, онгсиз интилишларнинг инсон характерининг шаклланишидаги аҳамиятини очиқ беришга ҳаракат қилдилар. «*Комплекс*» тушунчаси ғарб руҳиятшунослиги ва тиббиётида кенг тарқалган иборага айланди. Бу ибора ёрдамида инсон юриш-туришининг онгсиз омиллари ва турткиларини тимсолий ифодалашга уриниш бўлиб, натижада бу ибора ўз асл моҳиятини йўқота бошлади.

ХУЛОСА

Карл Густав Юнг фалсафий-илмий мероси жуда бой ва мазмундор. Чунки у ўз қарашларида руҳиятнинг иррационал ва рационал хусусиятларини бирлаштиришга, тушунтиришга ҳаракат қилади. Ўрганилган манбаларга асосан қуйидигиларни хулоса қилиш мумкин. Жамоавий онгсизлик, архетиплар ва психологик типлар – Юнг таълимотининг таянч ҳодисаси ҳисобланади. Гарчи, ушбу атамалар мазмунан мутлақ янгилик ҳисобланмаса-да, олим уларни янгича мазмун билан бойтита олган. Юнг тўғри таъкидлаганидек, ҳар қандай одам жамоавий онгсизлик, архетиплар ва психологик типлар таъсиридан озод бўлмаган. Зеро, инсон борлиги мана шу тушунчалар (тўғрироғи ҳодисалар) ичидагина мавжуд бўла олади. Бир сўз билан айтганда, бу тушунчалар инсон борлигининг имманент асосини ташкил қилади. Руҳиятнинг эркин, ҳақиқий намоён бўлишини фақат ижод жараёнида кузатиш мумкин. Чунки, руҳ фақат ижоддагина мутлақ эркинликка эриша олади. Бошқа ҳолатларда эса, руҳиятни ақл муайян қолипларда ушлаб туради. Бу ерда руҳиятни ҳиссиёт билан чалкаштирмаслик лозим. Юнг, сенсуализм ва эмпиризмни кескин танқид қилади. Шу боис, унинг “руҳият” тушунчаси дунёга боғланган сезгилар (ҳислар) билан эмас, балки илоҳиёт билан боғлиқ қалб яқинроқ туради. Юқоридаги фикримизнинг давоми сифатида айтиш мумкинки, руҳиятнинг эркинлиги унинг йўналишини – интроверсия ва экстраверсияни келтириб чиқаради. Ижод жараёнидаги интенционаллик – интравертивлик буюк санъат асарларининг пайдо бўлишига сабабчи бўлса, экстравертивлик - манфаат аралашган ижод асари сифатида фақат маълум вақт ва макон чегарасидагина аҳамиятга молик бўлади. Жамоавий онгсизлик асосини архетиплар, яъни тарихий образлар ташкил қилади. Жамоавий онгсизлик ҳар бир одам руҳиятига унга боғлиқ бўлмаган ҳолда доимий таъсир кўрсатиб туради. Бу ҳолатни “ноосфера” тушунчасига ўхшатиш мумкин. Яъни ноосферага муайян чегара, миқдор қўйишимиз, уни кўрсатиб, ушлаб беришимиз мумкин бўлмаганидек, жамоавий онгсизлик ҳам борлиқнинг (Космоснинг) шундай бир объектив муаллақ соҳасики, Юнг таълимотини ўқиганимиздан сўнг уни тан олмасдан иложимиз йўқ.

REFERENCES

1. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т.: Ўзбекистон, 2017.
2. Абиджанова Ф., Шерова Д., Шодиметова Г. Ҳозирги замонда инсон онги ва қалби учун ғоявий курашнинг эстетикада намоён бўлиши. – Т.: ЎФМЖ, 2011.

3. Рузматова Г. Қалб қатламлари // Тафаккур журнали. - 2009 йил 4-сон. - Б. 56-61.
4. Антонова Н.В. Личность и политика в психоаналитических концепциях В.Райха, Э.Фромма и К.Г. Юнга. Автореферат дис. канд. Полит, наук: 23.00.01. - М.: 2003. -26 с.
5. Бойко О.А. Модель личности в философско-антропологической концепции К.Г.Юнга. Автореф. диссер. на соис. уч. степени канд. филос. наук. –Орёл, 2010. -26 с;
6. Ветрова Н.В. Миф и художественное творчество (критика концепций З.Фрейда и К.-Г.Юнга): автореферат дис. кандидата философских наук: 09.00.04 - М.: 1984.
7. Грошева Е.Г. Образно-символическая природа Ренессансного сознания в психоаналитической интерпретации К.Г.Юнга. Автореферат дис. канд. филос. наук: 09.00.03 -СПб.: 1995. - 26 с.
8. Ефимова И.Я. Карл Густав Юнг и индийская философия сознания. Автореферат дис. . канд. филос. наук: 09.00.03 -М.: 2004. -26 с.
9. Исмиева В.М. Проблема социального героя в философии К.Г. Юнга. Автореферат дис. канд. филос. наук: 09.00.13. - М.: РГБ, 2006. - 26 с.
10. Петрикеева, И.А. Антропологические идеи К.Г.Юнга и современное образование. Автореферат дис. канд. филос. наук: 09.00.13 -Екатеринбург, 1999.
11. Седаков Н.Э. Архетипы бытия и символы культуры : Карл Густав Юнг и Мирча Элиаде. Автореферат дис. канд. филос. наук: 09.00.03 - М.: 2004. -26 с.
12. Фишбейн Н.В. Философско-культурологические и религиоведческие концепты теории К.Г.Юнга. Автореферат дис. канд. филос. наук: 09.00.13 - Белгород, 2002. -26с.
13. Фоминых Е.А. Концепция динамики культуры К.Г.Юнга (примере религиозных жизни в эпоху высокого средневековья). Автореф. диссер. на соис. уч. степени канд. филос. наук. – Челябинск, 2012. - 26 с.
14. Юнг К.Г. Аналитическая психология: Прошлое и настоящее / К.Г. Юнг, Э.Сэмюэлс, В. Одайник, Дж. Хаббэк; Сост. В. В. Зеленский, А.М. Руткевич. – М.: Мартис, 1995.
15. Юнг К. Сознательное и бессознательное. – СПб.: 1997.
16. Линни Вилкокс. Суфизм и психология. – СПб: Диля, 2005.
17. Юнг К.Г. Божественный ребенок. – М., 1997.
18. Қахҳорова Ш. Глобаллашув шароитида ҳаётнинг маъноси муаммоси. – Т.: Тафаккур, 2009.
19. Юнг К. Психоз и его содержание. – СПб.: 1999.
20. Ruzmatova G. Eastern melodies in the text of Plato // International Journal of Recent Technology and Engineering. Vol. 8, Issue-2S6, July, (2019). –P. 444-448. IJRTE. ISSN: 2277-3878.
21. Ruzmatova G. Comparativist analysis of Representations about Will in View of Friedrich Nietzsche and Jalaliddin Rumi // International Journal of Psychosocial Rehabilitation, Vol. 24, Issue 04, 2020. ISSN: 1475-7192. –P. 3215-3227.